

## ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОРЛИКНИНГ АҲАМИЯТИ

Азимова Хулкар Эгамбердиевна

Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти “Бухгалтерия ҳисоби ва аудит” кафедраси  
катта ўқитувчиси

### ARTICLE INFO.

#### Таянч сўз ва иборалар:

Кредит портфели, ликвидлик,  
умумий капитал, банк баланси,  
депозит, банк активи, кредит  
қўйилмалар.

### Аннотация

Ушбу мақолада тижорат банкларининг молиявий барқарорлиги масалалари баён этилган бўлиб, статистик маълумотлар асосида таҳлил қилинган. Ўзбекистон Республикасида банк тизимини ислоҳ қилиш бўйича 2020-2025 йилларга мўлжалланган стратегияда тижорат банкларининг асосий вазифалари, замонавий ва сифатли банк хизматларини амалга оширишдаги ўрни ҳақидаги маълумотлар жадваллар ва статистик таҳлиллар асосида ёритилган. Шунингдек, тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини таъминлашни янада такомиллаштириш бўйича хулоса ва таклифлар келтирилган.

<http://www.gospodarkainnowacje.pl/> © 2022 LWAB.

**Кириш.** Тижорат банклари банк тизимининг муҳим бўғини бўлиб, кредит ресурсларининг асосий қисми шу банкларда йиғилади ҳамда банклар ҳуқуқий ва жисмоний шахсларга ўз хизматларини кўрсатадилар. Бозор иқтисодиёти шароитида тижорат банкларининг бозор муносабатлари субъектлари билан алоқаси янада кенгайди ва чуқурлашди. Банк бу ҳолда барча маблағларни ҳаракатини бошқариб боради. Тижорат банкларининг молиявий барқарорлиги унинг рақобат шароитида муваффақиятли фаолиятини таъминлайди. Агарда молиявий барқарорлик пухта ўйланиб, ишончли ҳисоб-китоблар асосида амалга оширилиб борилса, банклар фаолияти самарадорлиги янада ошади.

Тижорат банкларининг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, улар ўз маблағлари билан бир қаторда омонатчилар ва кредиторлар, акционерлар ҳамда миждозларнинг уларга ишониб топширган маблағлари билан, яъни кенг жамоатчилик билан иш юритади. Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига ўтиш жараёни кўпгина муҳим иқтисодий ислохотларнинг таркибий қисми сифатида банк тизимида ҳам чуқур ўзгаришларни амалга оширилишини ва иқтисодиётни пул-кредит воситалари орқали тартибга солишнинг бир бутун механизминини яратилишини тақозо этмоқда.[1]

Айни вақтда тижорат банклари молиявий барқарорлигини таъминлаш учун ўз вазифаларини

бажаришда қуйидаги асосий тамойил ва қадриятларга таянади:

- молиявий хавфсизлик-тижорат банклари ўз активларини барқарор тарзда ўсиб боришини таъминловчи оқилона ва ўринли банк таваккалчилиги сиёсатини амалга оширади;
- обрў-эътибор, бунда банклар ишончли ва нуфузли кредит-молия институти обрўсини сақлашга интилади;
- индивидуал ёндашув, бунда банк ходимлари ҳар бир миждоз билан алоҳида иш юритади, унинг банк хизматларига бўлган эҳтиёжларини тўлалигича қондиради, иш юритиш учун энг қулай шарт-шароитларни яратиб беришга ҳаракат қилади;
- миждозларга ишончли, қулай ва сифатли банк хизматларини таклиф этадилар ва ҳоказолардан иборат. [2]

Дарҳақиқат, банк тизимидаги ислохотларни Ўзбекистон Республикаси банк тизимини ислох қилиш бўйича 2020–2025 йилларга мўлжалланган стратегияда яққол исботи сифатида англашимиз мумкин ва унда амалга оширилиши назарда тутилган қуйидаги масалалар ўрин олган: [3]

- ✓ банк тизими активларининг жами ҳажмида давлат улуши бўлмаган банклар активлари ҳиссасини жорий 15 фоиздан 2025 йилга келиб, 60 фоизгача ошириш;
- ✓ банклар мажбуриятларининг умумий ҳажмида хусусий сектор олдидаги мажбуриятлар ҳиссасини жорий 28 фоиздан 2025 йил якунига 70 фоизгача ошириш;
- ✓ 2025 йилга келиб давлат улуши мавжуд камида учта банк капиталига зарур тажриба, билим ва нуфузга эга камида учта стратегик хорижий инвесторларни жалб қилиш;
- ✓ умумий кредитлаш ҳажмида нобанк кредит ташкилотлари улушини жорий 0,35 фоиздан 2025 йилга келиб 4 фоизгача ошириш ва бошқалар.

Ушбу Фармонга мувофиқ халқаро молия институтлари кўмагида “Ипотека банк”, “Ўзсаноатқурилиш банк”, “Асакабанк”, “Алоқабанк”, “Қишлоққурилишбанк” ва “Туронбанк” даги давлат улушлари босқичма-босқич хусусийлаштирилиши режалаштирилган. Бунда хусусийлаштиришнинг биринчи босқичида банкларни институционал ўзгартириш амалга оширилади, иккинчи босқичида эса давлат акциялари пакети сотилади. Амалга оширилаётган банк тизимини хусусийлаштириш жараёнини жадаллаштириш банкларнинг ички ва ташқи инвестицияларни жалб этиш, уларнинг фаолиятини тижоратлаштириш, энг муҳими ишончини ошириш орқали эркинлаштиришнинг асосий йўналишларини белгилаб беради.

Яъни, 2025 йилда Ўзбекистон банк тизимидаги хусусий сектор улушини ҳозирги 18 фоиздан 60 фоизга ошириш режалаштирилган бўлиб, натижада банклар ўртасида рақобатлашувни янада ошириш имкониятини яратади.

**Таҳлил ва натижалар:** Банкларнинг молиявий барқарорлигини намоён этувчи қуйидаги рақамларга эътибор қаратамиз, яъни 2021 йилнинг ўтган даврида риск даражаси юқори бўлган активларнинг ўсиши 21 фоизга, яъни 317 трлн сўмдан 383 трлн сўмга, жами капиталининг ўсиши 14 фоизга, яъни 66 трлн сўмга етди. Капиталнинг етарлилик коэффициенти 1,2 фоизга тушиб, 17,2 фоизни ташкил этди, бу минимал талабларга жавоб беради. Ўзбекистон банк тизимида 33 та банк, жумладан, 12 та давлат улушига эга, шунингдек, 15 та хусусий ва 5 та хорижий банклар мавжуд бўлиб, 2021 йилнинг 1 ноябр ҳолатига кўра, банклар активлари 39 млрд долларни (419 трлн сўм) ташкил этиб, уларнинг 82 фоизи давлат банкларига тегишлидир. Банкларнинг мажбуриятлари 33 млрд долларга (352,6 трлн сўм) етди, шундан 40 фоизини депозитлар ташкил этади. Банкларнинг умумий капитали 6,2 млрд доллар (66 трлн сўм) даражасида бўлиб, шундан 81 фоизи давлат банклари капиталига тўғри келади. [4] Банк тизимига замонавий сервис ечимлари асосида ахборот технологияларини молиявий технологияларни кенг жорий

этиш, ахборот хавфсизлигини лозим даражада таъминлаш, шунингдек молиявий хизматлар кўрсатишда инсон омили таъсирини камайтириш бўйича тезкор чора-тадбирлар кўриш талаб этилмоқда. Тижорат банкларининг муваффақияти кўп жиҳатдан унинг тақдим қилаётган хизматлари мижознинг молиявий эҳтиёжларига қанчалик мос келиши, улар қанчалик даражада сифатли ва рақобатбардош бўлишига боғлиқ бўлади. Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари ўзларида мавжуд бўлган барча имкониятлардан фойдаланишга ҳаракат қилмоқдалар, ҳусусан замонавий технологияларнинг тадбиқ этилиши мижозларда вақт ва маблағ тежалишини таъминлаб бермоқда. Шунингдек, карантин чекловлари жорий этилиши ва аҳоли даромадларининг пасайиши шароитида Ўзбекистон Марказий банкининг асосий вазифаси макроиктисодий барқарорликни ва бутун банк тизимининг узлуксиз ишлашини таъминлашдан иборат бўлди. Яъни, марказий банк аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига кредитлар муддатини узайтириш учун шарт-шароитлар яратди, кредитлар муддатини узайтириш таъсирини нейтраллаш ва ликвид ресурсларни қисқартириш учун банкларни зарур ликвидлик билан таъминлаш мақсадида пул-кредит сиёсатининг қисқа ва узоқ муддатли воситалари жорий этилди. Банк тизимида амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг самарасини қуйидаги жадвал маълумотлари асосида кўриб чиқамиз.

**1-жадвал. Тижорат банкларининг кредит қўйилмалари бўйича улуши [4]**

Кўрсаткичлар номи	01.02.2021 йил		01.02.2022 йил		Ўзгариши, фоизда
	млрдсўм	улуши, фоизда	млрд сўм	улуши, фоизда	
Жами кредитлар	277755	100%	324139	100%	16,7%
Саноат	102665	37,0%	115761	35,7%	12,8%
Қишлоқ хўжалиги	28502	10,3%	35210	10,9%	23,5%
Қурилиш соҳаси	7452	2,7%	9380	2,9%	25,9%
Савдо ва умумий хизмат	20353	7,3%	26818	8,3%	31,8%
Транспорт ва коммуникация	26744	9,6%	27866	8,6%	4,2%
Моддий ва техник таъминотни ривожлантириш	3921	1,4%	3588	1,1%	-8,5%
Уй-жой коммунал хизмати	4338	1,6%	2140	0,7%	-50,7%
Жисмоний шахслар	54707	19,7%	69605	21,5%	27,2%
Бошқа соҳалар	29073	10,5%	33770	10,4%	16,2%

Юқоридаги 1-жадвал маълумотларида тижорат банкларининг кредит қўйилмалари бўйича улуши 2021 йил 01 февралдан 2022 йилнинг 01 февралигача бўлган вақт мобайнида ўзгариши фоизларда ифодаланган бўлиб, унга кўра жисмоний шахсларга ажратилган кредитлар ҳажми 2022 йилнинг 01 февралда 2021 йилнинг 01 февралига нисбатан 19,7 % дан 21,5 фоизга ошганлиги, шунингдек қурилиш соҳаси бўйича ажратилган кредитлар ҳажми 2022 йилнинг 01 февралда 2021 йилнинг 01 февралига нисбатан 2,7 % дан 2,9 фоизга ошганлигини кўришимиз мумкин. Уй-жой коммунал хизматида эса 1,6 % дан 0,7 % га камайган ҳисобланади.

Ушбу 2-жадвалда жисмоний ва юридик шахсларга ажратилган кредитлар қолдиғи тўғрисида кредитлар турлари бўйича маълумотлар ифодаланган бўлиб, унга кўра ипотека кредитлари 2022 йилнинг 01 февралда 2021 йилнинг 01 февралига нисбатан ўзгариши 16,7% га тенглиги, айниқса аҳолининг микроқарзларга бўлган талаб даражасининг ортиши ва жисмоний шахслар учун энг қулай тарзда банклар томонидан таклиф этилаётганлиги сабабли уларнинг ҳажми 88 %

га ўзгарганлигини кўришимиз мумкин.

**2-жадвал. Жисмоний ва юридий шахсларга ажратилган кредитлар қолдиғи тўғрисида кредитлар турлари бўйича маълумот млрд.сўм [4]**

Кўрсаткич номи	01.02.2021 й.	01.02.2022 й.	Ўзгариши, фоизда
Жами кредит қолдиғи	277755	324139	16,7%
<b>Жисмоний шахсларга ажратилган кредит қолдиғи</b>	54707	69605	27,2%
Ипотека кредитлари	28656	36285	26,6%
Микроқарз	5285	9935	88,0%
Истеъмол кредитлари	11999	12315	2,6%
Тадбиркорликни ривожлантириш учун ажратилган кредитлар	8768	11070	26,3%
<b>Юридик шахсларга ажратилган кредит қолдиғи</b>	233047	254534	14,1%
Кредит ташкилотлари бўлмаган юридик шахсларга ажратилган кредитлар	204489	236279	15,5%
Лизинг ва факторинг	2371	2267	-4,4%
Банклараро кредитлар	1729	1467	-15,2%
Микрокредит	10595	9970	-5,9%
Синдициялаштирилган кредитлар	3864	4551	17,8%

Худди шу сингари юридик шахсларнинг ҳам тижорат банкларининг йирик инвестицион лойиҳаларни бошқа банклар билан биргаликда кредитлаши яъни синдициялашган кредитлар 2022 йилнинг 01 февралда 2021 йилнинг 01 февралига нисбатан 17,8% га ўзгарганлигини кўришимиз мумкин. Яъни тижорат банкларининг йирик инвестицион лойиҳаларни амалга оширишдаги юридик шахслар билан олиб борадиган кредитлаш даражаси ортиб бораётганлигидан далолатдир. Шунингдек, 2021 йилнинг 1 ноябр ҳолатига кўра банкларнинг 7 кредит портфелидаги қолдиқ 30 млрд долларга тенг бўлди. Яъни, кредит портфелининг биргина ўн ой давомидаги ўртача 14 фоизга ўсиши кузатилган, жисмоний шахсларга берилган кредитлар ҳажми эса 22 фоизга ошган.

Хусусан, 2021 йилда банкларнинг молиявий кўрсаткичлари ижобий даражада сақланиб қолди. Энг даромадли банклар учлигида 2021 йил якуни бўйича фақат давлат иштироки юқори бўлган Ўзсаноатқурилишбанк, Ўзмиллийбанк ва Ипотека банклари кирган бўлиб, юқорида қайд этилганидек, келгусида банкларни босқичма-босқич хусусийлаштириш масалаларига эътибор қаратилмоқда.

**Хулоса ва таклифлар.** Хулоса сифатида айтиш мумкинки, бугунги кунда банклар томонидан кўрсатилаётган молиявий хизматларнинг оммабоплигини ошириш, банкларнинг ҳудудларга кириб боришини кенгайтириш ва барча аҳоли яшаш жойларида бир хил турдаги хизматлар кўрсатилишини таъминлаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Айни вақтда иқтисодий рақамлаштириш шароитида Ўзбекистон банк тизими ишончилиги ва барқарор ривожланишини таъминлаш ҳамда ташқи инқироз ҳолатларининг салбий таъсирига учрамаслик чораларини кўриш муҳим аҳамиятга эга. Бу борада муболағасиз айтиш мумкинки, Ўзбекистон банк тизими

банкларда бозор талабларига мос келувчи хизмат турларини татбиқ қилиш, мижозларнинг талаб ва таклифларини ҳисобга олиш, уларга хизмат кўрсатишнинг янги усулларини жорий этиш, янги кредит воситаларини қўллаш, турли кредит институтларини ташкил этиш билан боғлиқ ислохотларни амалга ошириб келмоқда. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётини юқори ва барқарор суръатларда ўсишини ва рақобатбардошлигини таъминлаш мамлакат банк тизимининг ва унинг муҳим таркибий қисми бўлган тижорат банклари фаолиятининг барқарорлигини таъминлаш орқали ижобий натижаларга эришилмоқда.

Мамлакатимизда банк капиталининг асосий қисми давлатга тегишли эканлиги банк тизимидаги асосий муаммолардан биридир. Унинг банк секторида соғлом рақобатга, хизмат кўрсатиш сифатига бирмунча таъсири сезилмоқда. Халқаро молия институтлари кўмагида банк-молия тизимини ривожлантириш бўйича узоқ муддатли стратегия ишлаб чиқилмоқда. Банк тизимида хусусий ва хорижий капитал кириб келиши ҳисобидан давлат банклари улушини босқичма-босқич камайтириб борилиши соҳада рақобат муҳитини яхшилашга, тижорат банклари фаолиятини, кредитлаш сифати ва маданиятини ҳар томонлама оширишга хизмат қилиши зарурлигини кўрсатмоқда. Умуман олганда банк тизимининг барқарорлигини таъминлашда тижорат банкларининг ўрнини оширишда қуйидагилар муҳим ҳисобланади:

*биринчидан:* банк секторида давлатнинг юқори даражада аралашуви натижасида давлат иштирокидаги банкларда менежмент ва таваккалчиликни бошқаришнинг самарали тизимини такомиллаштириш;

*иккинчидан:* молиявий хизматларнинг оммабоплигини ошириш, банкларнинг ҳар бир ҳудудга кириб боришини янада ошириш;

*учинчидан:* банк тизимида халқаро амалий тажрибага эга бўлган менежерларни кўпроқ жалб этиш;

*тўртинчидан:* кредит портфели ва таваккалчиликларни бошқариш сифатини яхшилаш орқали кредитлаш ҳажмлари ўсишининг мўътадил даражасини таъминлаш;

*бешинчидан:* банкларнинг капиталига қўшимча ички ва ташқи инвестицияларни жалб этишни янада кенгайтириш;

Мухтасар қилиб айтганимизда, тижорат банкларида кредитлашни асосан бозор шартлари асосида амалга ошириш, банкларнинг давлат ресурсларига қарамлигини пасайтириш, банкларда хизмат кўрсатишни модернизациялаш, самарали инфратузилма яратиш ва банклар фаолиятини автоматлаштириш орқали тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини ошириш янада такомиллашади.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони. <https://lex.uz/docs/3107036>.
2. З.Мамадиёров, М.Махмудова, М.Курбонбекова. Банк иши. Дарслик.Т.:-Инновацион ривожланиш нашриёт-матбаа уйи,2021 йил,158 бет
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги “2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида”ги Фармони
4. Якубова, Ш. Ш. (2018). МЕЖДУНАРОДНЫЙ ОПЫТ ПРИМЕНЕНИЯ КАНАЛОВ ТРАНСМИССИОННОГО МЕХАНИЗМА ДЕНЕЖНО-КРЕДИТНОЙ ПОЛИТИКИ. Ученый XXI века, 8, 43.

5. Yakubova, Sh. Sh. The role of effective implementation of monetary policy in a pandemic condition / Sh. Sh. Yakubova, M. D. Raimova // Theoretical & Applied Science. – 2021. – No 12(104). – P. 349-352. – DOI 10.15863/TAS.2021.12.104.14. – EDN SXZRTT.
6. Yakubova, Sh. Sh., & Raimova, M. D. (2022). Peculiarities of inflation targeting in our country. ISJ Theoretical & Applied Science, 03 (107), 655-661. SoI: <http://s-o-i.org/1.1/TAS-03-107-43> Doi: <https://dx.doi.org/10.15863/TAS>
7. [www.cbu.uz](http://www.cbu.uz) – Ўзбекистон Республикаси Марказий банки расмий сайти